FORISH TONGI

XALQ FAROVONLIGI VA YURT OBODLIGI UCHUN

№ 24 (7496)
2026 yil 21 Noyabr, Shanba

XALQ DEPUTATLARI FORISH TUMAN KENGASHI VA TUMAN HOKIMLIGI GAZETASI

1936 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Forish_tongi@inbox.uz t.me/forishtongi

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Халқ депутатлари Фориш туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Уни Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Ботир Каримов бошқариб борди.

Сессияда туман ҳокими Соҳиб Исламов иштирок этиб, сўзга чиқди.

Шунингдек сессия ишида туман ҳокими ўринбосарлари, тумандаги тегишли корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Сессияда дастлаб Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири Бобир Ботиров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2026 йил 22 июндаги KQ-360-V-сонли қарорига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман халқ қабулхонасининг ахборотини, туман ҳокими ҳамда тумандаги корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фориш туманидаги халқ қабулхонаси мудири ўринбосари Аброр Сорабековнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фориш туманидаги халқ қабулхонасининг, туманда давлат органлари ва ташкилотларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида ахбороти эшитилди.

Шунингдек, сессияда депутатлар томонидан туман ички ишлар бўлими бошлиғи Бегзод Наимовнинг туманда 2026 йил 9 ойи давомида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Норбековнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги ПҚ-298-сонли ҳамда 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сонли қарорлари бўйича туманда амалга оширилаётган ишлар, туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини харажатга йўналтириш бўйича ахбороти эшитилди.

Давоми 2-бетда

Томорқа – даромад манбаи

28 ХИЛ НАВДА 120 МИНГДАН ОРТИҚ КЎЧАТ

Фориш тумани азалдан ўзининг ширин-шакар, хуштаъм узумлари билан ном қозонган. Бугунги кунда ҳам узумчилик туманда аҳоли томорқачилиги ва қишлоқ хўжалигининг муҳим, истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда туманда узумчиликни янада ривожлантириш, узумнинг янги ва серҳосил навларини кўпайтириш, мавжуд токзорлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўз тажрибаси, меҳнати ва ташаббускорлиги билан бошқаларга намуна бўлаётган томорқачиларнинг ҳиссаси ҳам катта.

Туманнинг «Оқтепа» маҳалласи ҳудудидаги Ёмчи қишлоғида яшовчи Ибрат Саидов ана шундай илғор томорқачилардан биридир. У 2010 йилдан буён узум, майиз, ток кўчатлари етиштириш билан шуғулланиб, ўз томорқасини сердаромад хўжаликка айлантирган.

Бугунги кунда Ибрат Саидов ўз томорқасида узумнинг 28 хил навига мансуб қарийб 120 минг туп кўчат етиштирмоқда. Унинг бу соҳадаги тажрибаси ва маҳорати шаклланишида отаси, марҳум Илҳом Саидовнинг ўрни беқиёс. Зеро, у узум навларининг хусусиятларини



сақлаш, токларни парваришлаш, кўчат етиштириш ва сифатли маҳсулот тайёрлаш сирларини отасидан ўрганган.

Ота касбини давом эттираётган Ибрат Саидов йиллар давомида орттирган тажрибаси асосида узумчилик ва кўчатчилик соҳасини изчил ривожлантириб келмоқда. Унинг асосий мақсади нафақат сифатли кўчатлар етиштириш, балки уларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги боғбонларга етказиб бериш, юртимиз иқлим шароитига мос, серҳосил узум навларини кўпайтиришдан иборат.

Ибрат Саидов ўз фаолияти ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди:

— «Мен бу иш билан 2010 йилдан буён шуғулланиб келаман. Асосий ниятимиз ва олдимизга қўйган катта мақсадимиз — етиштираётган сифатли ток кўчатларимизни бутун республика бўйлаб тарқатиш, шунингдек, юртимиз иқлимига мос янги, серҳосил навларни яратишдир. Бугунги кунга қадар ўз томорқа хўжалигимизда қилган меҳнатларимиз самараси ўлароқ, узумнинг 28 хил навига мансуб қарийб 120 минг тупдан ортиқ соғлом ва сифатли кўчатларни етиштиришга эришдик. Келажакда бу ишларни янада кенгайтириб, боғбонларимизга сифатли кўчат етказиб беришни давом эттирамиз».

Дарҳақиқат, Ибрат Саидов каби ташаббускор ва меҳнатсевар томорқачиларнинг фаолияти узумчилик соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар орқали нафақат Фориш узумларининг довруғи янада кенгаймоқда, балки аҳоли учун қўшимча даромад манбалари яратилиб, янги иш ўринларини ташкил этиш ва туманнинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятини оширишга ҳам замин яратилмоқда.

Рашид КАРИМОВ.

ХАЛҚ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ



Президентимизнинг Халқ қабулхоналари жойларда аҳоли муаммоларини тинглаш, уларнинг ечими бўйича амалий ёрдам кўрсатишда муҳим кўприк вазифасини бажармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фориш туман Халқ қабулхонасида туман ҳокими Соҳиб Исламовнинг навбатдаги аҳоли қабули ташкил этилди.

Қабулда туман ҳокими, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Унда фуқароларнинг бандлик, уй-жой қуришда ер ажратиш, коммунал хизматлар, имтиёзли кредит олиш, ички йўлларни таъмирлаш, мактаб ва боғчаларда иситиш тизимини газлаштириш, даволанишда кўмаклашиш ва бошқа ижтимоий масалаларга оид 21 та мурожаатлари тингланди.

Жараёнда кўтарилган масалаларнинг 9 таси жойида ҳал этилиб, муддат талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди. Бу каби учрашувлар фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, муаммоларни қисқа фурсатда бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Элдор УРУШБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фориш туман Халқ қабулхонаси бош мутахассиси.

«ЯШИЛ МАКОН» — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ОБОД КЕЛАЖАК САРИ

Инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик жамият тараққиёти, аҳоли саломатлиги ва ҳаёт фаровонлигининг муҳим омилларидан биридир. Атроф-муҳит мусаффолиги, кўчаларнинг ободлиги, дарахтзор ва боғларнинг кўплиги ҳар бир ҳудуднинг нафақат чиройини, балки экологик барқарорлигини ҳам белгилайди. Айниқса, иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, сув танқислиги ва чўлланиш жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда табиатни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни асраб-авайлаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини изчил давом эттириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар орасида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси муҳим ўрин тутади. Мазкур ташаббус юртимизни янада обод қилиш, аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш, дарахтзор ва боғларни кўпайтириш, экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчати экиш ишлари йўлга қўйилган.

Давоми 2-бетда



Обуна – 2027

«Фориш тонги» – газетасига обуна бошланди!

Азиз юртдошлар!

Туманимиз ҳокимлиги нашри бўлган **«ФОРИШ ТОНГИ»** газетасига **2027** йил учун обуна бошланди.

Обуна таҳририятнинг ўзида ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Янгиқишлоқ бўлими орқали амалга оширилади. Таҳририятда йиллик обуна баҳоси **454 328** сўм. Обуна нақд пул, пул ўтказиш ва пластик карточка орқали амалга оширилади.

Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида таҳририятда терминаллар ўрнатилган.

Таҳририят ҳисоб рақами: 20210000900395970001
МФО 00133
ИНН: 200340427

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: +99899–356–47–10; +99899–356–12–07

СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

«ЯШИЛ МАКОН» — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ОБОД КЕЛАЖАК САРИ

Аввали 1-бетда

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга етган. 2030 йилга қадар ушбу кўрсаткични 30 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу эса кўкаламзорлаштириш ишларини янада кенгайтириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий шароитидан келиб чиқиб, самарали ва узоқ муддатли экологик ечимларни жорий этишни тақозо этади.



Эътиборлиси, бугун «Яшил макон» лойиҳаси доирасидаги ишлар фақат кўчат экиш билан чекланиб қолмаяпти. Яшил боғлар ва жамоат паркларини барпо этиш, йўллар бўйида ҳимоя дарахтзорларини яратиш, чўл ҳудудларида яшил қопламаларни кенгайтириш ҳамда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ, кўкаламзорлаштиришнинг ҳақиқий натижаси фақат экилган кўчатлар сони билан эмас, балки уларнинг қанчалик яхши ўсиб-униши, йиллар давомида сақланиб қолиши билан ҳам ўлчанади.

Шу нуқтаи назардан, кўчат экиш жараёнига илмий ёндашиш, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олиш, сув таъминотини олдиндан ҳал этиш ва парваришлаш ишларини тизимли ташкил қилиш жуда муҳим. Чунки сувсизликка чидамсиз дарахтни қурғоқчил ҳудудга экиш ёки суғориш имконияти бўлмаган майдонда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш кутилган самарани бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 сентябрдаги тақдимотида ҳам айнан шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Кўчатларнинг бир, уч ва беш йилдан кейинги ҳолатини баҳолаш, уларни камида уч йил давомида парваришлаш, маҳаллий шароитга мос дарахт турларини танлаш ва ҳар бир маҳалла кесимида «яшил харита»ларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда маҳаллалар ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–206-сонли фармони ҳам «Яшил макон» лойиҳасини ривожлантиришда маҳаллаларнинг ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжатда яшил ҳудудларни кенгайтириш, аҳоли учун сояли сайр кўчалари ва жамоат боғларини ташкил этиш, кўчатларни парваришлаш ҳамда экологик ташаббусларга жамоатчиликни кенг жалб қилиш каби вазифалар белгиланган.

Мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли гавжум кўчалар атрофида дарахтзорлар ташкил этиш муҳимдир. Дарахтлар соясалқин муҳит яратиш, чанг тарқалишини камайтириш ва шаҳарлардаги юқори ҳарорат таъсирини юмшатишга ёрдам беради. Шу боис кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарсозлик, йўл инфратузилмаси ва аҳоли учун жамоат ҳудудларини ташкил этиш билан уйғун олиб борилиши керак.

Яна бир муҳим жиҳат — сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Айниқса, сув танқислиги кузатиладиган ҳудудларда кўчатларнинг турини тўғри танлаш, томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, ёмғир сувларини тўплаш ва қайта фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Қурғоқчиликка чидамли маҳаллий ўсимликлардан фойдаланиш эса яшил ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маҳаллаларда кўчат экиш ва парваришлаш бўйича кўнгиллилар гуруҳларини ташкил этиш, ёшларни экологик тадбирларга кенг жалб қилиш, мактабларда табиатни муҳофаза қилишга бағишланган амалий машғулотлар ўтказиш яхши самара беради. Ҳар бир кўча, хонадон ва жамоат ҳудудида озодаликни сақлаш, мавжуд дарахтларни асраш ҳамда янги яшил майдонлар яратиш одатга айланиши лозим.

Аҳолида экологик маданият фақат тадбирларда иштирок этиш билан эмас, балки кундалик ҳаётда табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиш билан намоён бўлиши керак. Кўчадаги дарахтни синдирмаслик, гулзорларни пайҳон қилмаслик, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташламаслик ва сувни исроф қилмаслик ҳам «Яшил макон» ғоясининг амалий ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси юртимизни янада обод, яшаш учун қулай ва экологик жиҳатдан барқарор масканга айлантиришга қаратилган муҳим ташаббусдир. Унинг самараси бугун экилган кўчатларнинг эртага соясалқин дарахтларга, кичик яшил майдонларнинг эса катта боғ ва хиёбонларга айланишида намоён бўлади.

Ғулом САМАДОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Фориш туман Кенгаши раиси.

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Аввали 1-бетда

Сессия давомида туман ҳокими ўринбосари Фарруҳ Амировнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 декабрдаги “Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-468-сонли қарорининг тумандаги ижроси юзасидан ҳисоботлари ҳам эшитилиб, муҳокама қилинди.

Шунингдек, сессияда туман экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари бўлими бошлиғи в.б. Юсуф Саъдуллаев туманнинг 2026 йил кузги мавсуми учун “Яшил дастури”ни тасдиқлаш тўғрисида, туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Ҳаким Тўйчиев тумандаги аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини 2027 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш, туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси директори Элмурод Холбеков туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси томонидан 2026 йил суғориш ишлари учун ажратилган сув лимитини тасдиқлаш тўғрисида ахборотлари ҳам эшитилди.

Сессияда Халқ депутатлари туман Кенгашининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда кун тартибидаги муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рашид КАРИМОВ.

Огоҳлик

ДУДБУРОН ВА МЎРИКОНЛАР СОЗМИ?

Статистик маълумотларга қараганда, кузги қишги иситиш мавсумида содир бўлаётган фавқулодда ҳоатларнинг аксарияти айнан ис гази билан боғлиқ.

Маълумки ис гази (CO) рангсиз, ҳидсиз, корхона шароитида энг кўп учрайдиган заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғларининг чала ёниши оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3%, ишланган газда 13%, портловчи газлар таркибида эса 50-60% гача ис гази бўлади.

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглабин билан кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма-карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса аноксияга олиб келиши, бунинг натижасида инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Ис газидан заҳарланишнинг аксарияти қуйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда:

- фуқаролар томонидан газ ва мобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик;

- ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш;

- иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш;

- газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари (анжомлари) ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;

- ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов (кўмир ва ўтин чўғлари) дан фойдаланиш;

- ҳавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш;


Ис газидан заҳарланишда зудлик билан тез ёрдам чақириш зарур. Шифокор етиб келгунга қадар қуйидагиларни бажаринг. Жабраланувчини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқинг. Нафас олишига халақит берувчи галстук, тугмаларни ечиб, ёқани очинг, камарни бўшатинг.

Жабрланувчининг ухлаб қолмаслигини таъминланг ва уни юргизманг. Жабрланувчи нафас олмаётган бўлса, унга сунъий нафас олдиришни бошланг. Хушсиз бўлса нашатир спиртни ҳидлатинг, ҳушига келган вақтида йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун тегишли чоралар кўринг. Жабрланувчига иссиқ чой ёки қаҳва ичиринг, ис газидан заҳарланиш белгилари: бош айланиши, ҳолсизланиш, уйқу босиши, хушини йўқотиш, кўз олдининг қоронғулашиши (хиралашиши), эшитиш қобилиятининг пасайиши, нафас олишнинг оғирлашиши, йўтал, пульс ва артериал босим ортишидир.

Самандар ҲАЙДАРОВ,
туман Фавқулодда вазиятлар профилактика бўлинмаси катта инспектори, капитан.

Китоб инсониятнинг энг буюк маънавий бойликларидан биридир. У инсонни билимли, дунёқараши кенг ва фикрлаши теран шахс бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Шу сабабли китоб ўқиш нафақат билим олиш воситаси, балки инсоннинг маънавий камолоти учун муҳим омил ҳисобланади. Китобхонлик жамиятнинг маънавий ривожланишида катта аҳамиятга эга.

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ — МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ



Китобхонлик маданияти деганда китобни танлаш, уни тўғри ва мазмунли ўқиш, ўқилган асардан хулоса чиқариш ҳамда китобга ҳурмат билан муносабатда бўлиш тушунилади. Ҳақиқий китобхон шунчаки кўп китоб ўқиган инсон эмас, балки ўқиганларини ҳаётида қўллай оладиган, мустақил фикрлайдиган ва атрофидаги воқеаларга онгли муносабат билдира оладиган кишидир.

Бугунги кунда ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш жуда муҳим, асосий вазифаларимиз ҳисобланади. Чунки интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган бир пайтда ёшларимизнинг китоб мутолаасига қизиқтириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Китоб ўқиш инсоннинг сўз бойлигини оширади, нутқини ўстиради, хотира ва тафаккурини ривожлантиради. Айниқса, бадиий асарлар инсонда меҳр-оқибат, ватанпарварлик, ҳалоллик ва эзгулик каби фазилатларни шакллантиради.

Оилада китобхонлик муҳитининг яратилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Ота-она фарзандига китоб ўқиб бериши, биргаликда мутолаа қилиши ва ўқиган асарлари ҳақида суҳбатлашиши боланинг китобга бўлган меҳрини кучайтиради. Мактаб ва таълим муассасаларида эса турли китобхонлик танловлари, мутолаа кечалари ва адабий тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларни китоб ўқишга ундайди.

Китобхонлик маданиятини ривожлантириш учун ҳар бир инсон ўзида мунтазам мутолаа қилиш одатини шакллантириши керак. Бунинг учун кунига ҳеч бўлмаганда 20–30 дақиқа китоб ўқиш, ўқилган асарлар юзасидан қайдлар олиб бориш ва фойдали китобларни бошқаларга тавсия қилиш яхши натижа беради.

Хулоса қилиб айтганда, китобхонлик маданияти — инсоннинг маънавий бойлиги ва жамият тараққиётининг муҳим асосидир. Китоб ўқиган инсоннинг дунёқараши кенг, фикри теран ва келажакка интилиши кучли бўлади. Шунинг учун ёш авлод қалбида китобга меҳр уйғотиш, мутолаани кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айлантириш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

Матлуба АЯСОВА,
туман ахборот-кутубхона маркази абонементлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизмати раҳбари.

Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида туманда амалга оширилаётган ишларга маҳаллалардаги фаол нуронийлар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

НУРОНИЙЛАР КЎМАГИ – ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИ

Хусусан, “Осмонсой” маҳалласида ижтимоий реестрда турувчи фуқароларнинг бандлигини таъминлашда маҳалла нуронийларининг кўмаги самара бермоқда. Жумладан, фаол нуроний Тоҳир Давлатов кўмаги билан ижтимоий реестрда турувчи Марям Ўнғарова ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, маҳалларда фаолият юритаётган фаол нуронийларимиз томонидан вақтинча иш билан банд бўлмаган бир қатор фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида ўзини ўзи банд қилиш учун оилавий тадбиркорликка йўналтирилиб, кўмак берилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар ишсиз фуқароларнинг даромад манбаига эга бўлиши, оилалар иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Нуронийларнинг эътибори ва ғамхўрлиги камбағал оилалар фаровонлигини қўллаб-қувватлашда ҳам намоён бўлмоқда. Жумладан, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган фаол нуронийлар ўзларига биркитирилган оилаларнинг мактаб ёшидаги фарзандларига Республика «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан уй шароитида дарс тайёрлашлари учун зарур бўлган ўқув жиҳозлари ва ўқув қуроллари етказиб берилди.

Энг муҳими, нуронийларнинг бундай эзгу ташаббуслари орқали маҳаллаларда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмак муҳити мустаҳкамланмоқда. Зеро, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлаш ва уларнинг эртанги кунга ишончини ошириш йўлидаги ҳар бир амалий ёрдам юксак қадрият ифодасидир.

Шароф ЎНҒАЛОВ,
«Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси.

Долзарб мавзу

МИГРАНТЛАРГА ОСОН ЭМАС

2026 йил 2 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида меҳнат миграцияси ҳамда хорижда ишлаш истагидаги фуқароларнинг тил ва касбларга мақсадли ўқитиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

– “Жаҳон меҳнат бозоридаги талаб ўзгариб бормоқда. Бугун дунёда 168 миллион киши хорижий меҳнат миграциясида. Бир томондан, мамлакатимизда чет элда ишлаш истагидаги фуқаролар бор, иккинчи томондан, қатор давлатларда малакали ишчи кучига эҳтиёж ортиб бормоқда”, – деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ушбу имкониятларни ўзаро боғлаш, фуқароларни аниқ иш ўринларига тайёрлаш зарурлиги юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Туманда истиқомат қилувчи ташқи миграцияда юрган ҳамда у ердан қайтган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш, ҳал этиш ва иш билан таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил этилган. Унда туман прокурори бевосита гуруҳ раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда. Айни кунда туманда хорижда юрган фуқаролар сони 1718 нафарни ташкил этади. Ишчи гуруҳ томонидан ушбу фуқароларнинг хонадонларига бориб, оилавий шароитлари ўрганилмоқда. Мазкур жараёнда аниқланган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилаяпти. Шунингдек, 614 нафар хориждан қайтиб келган фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Яна 302 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди.

Хориждан доимий яшаш манзилига қайтиб келган ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 5 нафар фуқароларга тижорат банклари орқали 70 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар олиб беришга кўмаклашилди. Касб-ҳунарга ўқиш истагида бўлган 7 нафар фуқаролар касб-ҳунарга ўқитилди.

Бундан ташқари туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими билан ҳамкорликда хориждан қайтиб келган фуқаролар ҳамда вақтинча иш билан банд бўлмаган ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 12 маротаба “Бўш иш ўринлари” меҳнат ярмаркалари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда амалга оширилаётган ушбу ишлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва оилалар даромадини оширишга хизмат қилмоқда.

Тоҳир МАВЛОНОВ,
туман прокурори катта ёрдамчиси.

БОҒБОНЛАРНИНГ КУЗГИ–ҚИШКИ ЮМУШЛАРИ

Боғларда дарахтларнинг тўкилган баргларида зараркунандалар ва касалликлар вируслари сақланиб қолади. Шунинг учун боғлар қатор ораларининг тупроғи ағдарилиб, ҳайдалади. Ҳайдалмай қолган ҳар бир дарахт атрофи 25–30 см чуқурликда ағдарилиб чопилади. Касалланган, синган шохлар, қуриб қолган дарахтлар қирқилади ва боғ ташқарисига чиқариб ташланади.

Об-ҳаво шароитига қараб (илиқ кунлари) барги ёппасига тўкилган бўлса, дарахтга монилиоз, парша каби касалликларига қарши 3% ли Бордо суюқлиги ёки 5% ли оҳак-олтингугурт қайнатмасини пуркаш орқали жиққа ҳўллаш зарур.

Барча мевали дарахтлар биринчи галда шафтоли, ўрик, олхўри, гилос дарахтларининг тана ва она шохларини оқлаш зарур. Бунда 10 л сувга 2 кг тупроқ, 1,5 кг оҳак эритилиб, қалин қилиб оқланади. Оҳакка мол шатмоғи қўшилса тез ювилиб кетмайди.

Ҳосилли боғ ва токзорларда ҳар 2–3 йилда бир маротаба гектарига 20–40 т гўнг, минерал ўғитлардан соф ҳолда фосфор 150–180 кг ва калий 50–60 кг солиниб, боғлар 45–50 см, токзорлар қатор оралари 25–35 см чуқурликда шудгор қилинади.

Ҳар йили бўз тупроқларда ўстирилаётган боғ ва токзорларга соф ҳолда 60–90 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити солинади. Бунда боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлиги ошади, касаллик ва совуққа чидамли бўлади.

Республикамизда ноябрь ойидан бошлаб янги боғ ва токзорларни ташкил қилиш ишлари бошланди. Бунда мевали боғлар ва токзорлар кўп йиллик бўлгани боис, уларни барпо қилишда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки хатони тузатиш қийин бўлади.

Мевали дарахтларнинг кўчатлари уч хил, яъни паст бўлиб ўсувчи пакана пайвандтагда, ўрта ўсувчи ва кучли ўсувчи (уруғдан) пайвандтагларда кўпайтирилади.

Уруғли мева кўчатларининг пакана пайвандтагга уланган кўчатлари 18–20 йил, ўрта ўсувчи пайвандтаг 25–30 йил, кучли ўсувчи пайвандтаг эса 40–60 йил давомида мева беради. Шунинг учун мевали кўчатлар экиладиган майдон жуда пухта ва сифатли тайёрланиши зарур.

Боғ майдонини танлашда ернинг унумдорлиги, ерости сизот сувининг яқинлиги, майдоннинг нишаблиги, суғориш учун сув билан яхши таъминланганлиги, майдон атрофида зовурлар ҳамда иҳота экинларининг мавжудлиги (асосий шамол йўналишида) ва бошқаларга катта аҳамият бериш керак.

Боғ барпо этиладиган янги боғ майдони олдиндан танлаб олиниб, майдон текисланиб, 35–40 см чуқурликда плантаж сўқа ёрдамида ҳайдалади, тупроқ етилиши билан чизелланиб, мола билан кетма-кет текисланиши лозим.

Янги боғлар барпо этишни кузнинг биринчи совуқ тушгунига қадар тугаллаш зарур. Имкон даражасида янги экилган ёнғоқ кўчатлари атрофига чириган гўнг солиб, мульчалаб қўйилса, янги ниҳолларнинг илдизи совуқдан ҳимояланади, баҳорда яхши кўкариб, тез ўсади.

Шуҳрат ИСМОИЛОВ,
туман озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги инспекцияси ўсимликлар карантини ва ҳимояси назорати мониторинг бўлими инспектори.

СУЮНЧИСИ БОР

“Учма” маҳалласида яшовчи Абдухолиқ Бобомуродовга тегишли мустақилликнинг 25 йиллик кўкрак нишони туман марказида йўқотиб қўйилган. Топиб олганларга **суюнчи берилади.**

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Илм-фан – инсон камолотига пойдевор. Маърифат ва маънавият эса баркамоллик устунларидир. Зеро, қадим Шарқда таълим ва тарбия ҳеч вақт айро ёки бири иккинчисидан устун баҳоланмаган. Бу эса дунё тамаддунига тамал тошларини қўйган Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Имом Насафий, Ал-Фарғоний каби не-не довруғи дунёга достон улуғ комусий алломалар бебаҳо меросида ҳам намоён.

Улуғ аждодларнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Буни мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатидан тортиб, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамда диний-маърифий соҳаларидаги туб ислоҳотлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва халқимиз бирдамлигида қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030 стратегияси” асосидаги янгиланишлар том маънода, халқимиз ҳаётидаги фаровонлик ва мамлакат тараққиётида ўз бўй-бастини кўрсата бошлади.

Эътиборлиси, 2017 йили 19 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида 2018 йили БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади – барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат. Ҳужжатда бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймасликка муҳим аҳамият қаратилган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюция жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, муросасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини илгари сургани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг турли минтақа ва давлатларида инсоннинг яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиш ҳамда ўз иқтидорини намойиш этиш, ўз диний эътиқодига амал қилиш каби ҳаётий ва табиий ҳақ-ҳуқуқлари турли даражада поймол этилаётган бир даврда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув яшаб келмоқда.

Таҳлилларга эътибор берсак, ҳозирги кунда Ўзбекистонда жами 2369 та диний ташкилот бўлиб, шундан 2171 таси исломий ва 198 таси ноисломий диний ташкилот ҳисобланади. Мамлакатимиз бўйича жами 130 та диний ташкилот, шу жумладан, 3 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 102 та масжид ҳамда 24 та турли конфессияга тааллуқли ноисломий диний ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилди. Шунингдек, ўтган қисқа вақт оралиғида Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий ва Тошкент шаҳрида Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу илмий марказларда аниқ фанлар қаторида Ҳадис, Калом, Ақида, Тасаввуф, Фиқҳ каби илмлар бўйича чуқур тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда. Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент ислом институти, Имом Термизий номидаги ислом институти ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби сингари олий ўқув юртларида ҳам етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Тошкент ислом институти, Имом Термизий номидаги ислом институти, Бухоро “Мир Араб” олий мадрасаси, Самарқанд “Ҳадис илми мактаби”, Тошкент православ ва Тошкент христиан семинарияларида олий таълим берилмоқда. Бугунги кунда мазкур таълим муассасаларида ислом маърифатини тарқатиш, ўтмиш аждодларнинг бой маънавий меросини янада чуқур ўрганиш борасида кенг кўламли илмий-тадқиқотчилик фаолияти йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда Саудия Арабистони, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Миср, БАА, Туркия, Малайзия, Индонезия сингари давлатларнинг диний соҳага масъул турдош вазирлик ва идоралари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда таълим муассасалари билан 125 дан зиёд ҳамкорлик меморандумлари имзолангани фикримизнинг яққол исботидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотиқ, илм-фан, маданият марказлари ҳамиша тараққий этган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлгани табиий. Шунинг учун бугунги кунда ҳам ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб бормоқда.

Отабек ЮЛДАШЕВ,
туман бош имом хатиби.

АДЛИЯ МАСЛАҲАТХОНАСИ

Савол: *Мен кредитга ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олганман. Уни гаровга қўйиб, суғурта қилдирганман. Кредит қарзини муддатидан олдин тўлиқ қутулдим. Суғурта мукофоти оламанми?*

Н.Рашидов.

Жавоб: Фуқаролик кодексининг 948-модасига асосан суғурта шартномаси, агар у кучга киргандан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган шатнома муддати келишидан олдин бекор бўлади. Суғурта шартномаси юқоридаги кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга муносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

М.АБДУАЛИМОВ,
Зарбдор туман адлия бўлими бошлиғи.

Савол: *Фуқарони жиноятда гумон қилиниб, ички ишлар бўлимида қанча муддат ушлаб туриш мумкин?*

Ғ.Юсупов.

Жавоб: Жиноят процессуал кодексининг 226-моддасига асосан шахсни ушлаб туриш муддати 48 соатдан ошмаслиги лозим. Ундан кўп муддатда фақат суднинг санкцияси билан ушлаб туриш мумкин. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

А.АБДУВАИТОВ,
Зарбдор туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Савол: *Иш жойида бахтсиз ҳодиса туфайли ходим вафот этса пенсия тайинланадими?*

З.Исломова.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, агар фуқаро оиладаги асосий боқувчини йўқотган бўлса, тўғридан-тўғри яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг бўлими ёки вафот этган боқувчисининг охирги иш жойи бўйича ташкилотнинг маъмуриятига ариза орқали мурожаат қилиши мумкин. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш учун фуқаро 6 ойдан кечикмай мурожаат қилса, пенсия боқувчи вафоти кунидан бошлаб тайинланади. Агар 6 ойлик муддат ўтказиб юборилган тақдирда мурожаат этилган кундан бошлаб тайинланади.

И.ИСМАТОВ,
шўъба бошлиғи ДХМ.

Савол: *Боқувчиси бўлмаган кўп болали оилаларга ер солиғи тўлашда имтиёз борми?*

Ш.Қосимова.

Жавоб: Ота ва онадан бири ёки ота-онаннинг ҳар иккиси вафот этган кўп болали оилалар солиқ солишда боқувчсини йўқотган кўп болали оилалар ҳисобланади. Мана шундай оилалар солиқ кодексининг 436-моддасига асосан ер солиғи тўлаш шарт бўлмаган оилалар тоифасига киради.

Бу имтиёздан фойдаланиш учун манфаатдор шахс бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман ёки шаҳар бўлимига мурожаат қилиб, улар томонидан боқувчисини йўқотганлик бўйича бериладиган тегишли маълумотномасини талаб қилиб олиши керак бўлади ва шу асосида юқоридаги имтиёздан фойдаланиши мумкин.

Ф.ЭШАЛИЕВ,
Зарбдор туман адлия бўлими ЮХКМ бошлиғи.

Савол: *Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолиб қолган ҳайдовчи қайта имтиҳон топшириб янгидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олиши керакми?*

О.Латипов.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорига асосан;

- йўқолган (ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолларда) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати ҳайдовчининг аризасига мувофиқ, масъул ходим томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ЙХХХнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилгандан сўнг **имтиҳонсиз берилади** деб белгиланган.

Шунга асосан, ҳақиқатдан ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган ёки бўлмаганлиги текширилади.

М.ҚУЛМАТОВ,
Зарбдор туман адлия бўлими ДХМ директори.

Савол: *Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ҳайфсан олган ўқитувчига мукофот пули тўланмайдими?*

Ж.Зуфарова.

Жавоб: Меҳнат кодексининг 299-моддасига кўра, ҳайфсаннинг амал қилиш даврида ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган рағбатлантириш мукофотлари берилмайди. Масалан, байрам, касб байрами ёки юбилей муносабати билан бериладиган бир марталик мукофотлар шулар жумласидандир.

Бироқ, иш ҳақи тизимида назарда тутилган ва меҳнат натижаларига боғлиқ мукофотлар бошқа тартибда ҳал қилинади. Бундай мукофотни ҳайфсан олган ходимга тўлаш ёки тўламаслик мактабнинг жамоа шартномаси, ички ҳужжати ёки мукофотлаш тўғрисидаги низомда белгиланади.

Демак, ҳайфсаннинг ўзи барча турдаги мукофот пулларини тўламаслик учун асос бўлмайди.

Ш.АРАҚУЛОВ,
бош юрисконсульт.

Савол: *Туғруқ таътилидан қайтганда 30 соат дарс ҳам сақланадими?*

Ж.Шоназарова.

Жавоб: Меҳнат кодексининг 239-моддасига кўра, ижтимоий таътил даврида ходимнинг аввалги иш жойи ва лавозими сақланади. Кодекснинг 404-моддаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилини, 405-моддаси эса болани икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш таътилини тартибга солади.

Болани парваришлаш таътили даврида ҳам ходимнинг иш жойи ва лавозими сақланади. Лекин иш жойи ва лавозим сақланиши айнан 30 соат дарс ўзгаришсиз сақланади, дегани эмас.

Чунки мактабдаги дарс соатлари ҳар яъни ўқув йили учун қайта тақсимланади. Низом (327)-нинг 19-бандига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда бола парваришлаш таътилидан қайтган ўқитувчига дарс соатлари 15-бандидаги устуворлик асосида тақсимланади.

Ғ.ҒАФУРОВ,
бош юрисконсульт.

Савол: *Бобомнинг номидаги уйни дадамга ўтказмоқчимиз. 5 нафар аммам бор, улар рози. Вафот этган амаким бор, шунинг хотини улуш талаб қилаяпти. Бу ҳолда қандай йўл тутишимиз керак?*

М.Муҳаммедова.

Жавоб: Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра "Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар". Ота-онасини умуман кўрмаганлиги, парвариш қилмаганлиги, мерос қолдирувчи билан ёмон муносабатда бўлганлиги меросдан маҳрум бўлишга сабаб бўлмайди.

Ушбу кодекснинг 1145-моддасида меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса, олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

М.МАМАТҚУЛОВ,
Мирзачўл туман "Мадад" ННТ ХМБ бош мутахассиси.

Орамиздаги одамлар

БИР ЖОЙДА, БИР КАСБДА – ЯРИМ АСР

Собир Санаев билан кўрган ерда салом-алик қилардиг-у, лекин ўзининг ҳаёт йўли билан яқиндан таниш эмасдим. Бир гал туман фаол нуронийларининг тадбирларидан бирида йиғилиш олдидан суҳбатлашар эканмиз, унинг иши ҳақида сўраб қолдим.

– Бу йил нафақага чиқдим, – деди у. Бир оздан сўнг қўшимча қилди, – ишлаганимга эллик йил бўлди. Энди қарилик гаштини ҳам сурайлик дедим-да.



Шундан сўнг гапимиз қовушиб, унинг ўқиш ва иш фаолияти билан яқиндан танишдим.

Собир Санаев 1971 йил туман марказида 1-умумтаълим мактабини тугаллаб, шу йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг она тили ва адабиёт факультетида сиртдан ўқий бошлади. Шу йили ўзи битирган мактабда иш бошлади. Ҳали ўқишни битирмасдан армия сафида хизматини ўтаб қайтди. Ва хизматдан сўнг мактабда ўз ишини давом эттирди.

Ўз касбини севган одам унга меҳр билан ёндашади. Собир Санаев ҳам ўқиш билан бирга ёшларга таълим берар экан, аввало ўзи кўп ўқиб, устозлардан таълим бериш сирларини мукаммал ўрганди. Мактабда билим берган устозлар билан ёнма-ён ишлаш унинг малакасини оширишга яқиндан ёрдам сўраб ўрганишдан чарчамади. Шу сабаб у мактабда тез орада кўпчиликка танилди. Жамоада обрў-эътибор қозонди.

Собир Санаевнинг педагогик қобилияти, ишидаги жонкуярлигини инобатга олган мактаб ва халқ таълими бўлими раҳбарлари уни бошланғич синфлар бўйича директор ўринбосари лавозимига лойиқ топишди. У бу лавозимда 1996 йилдан 1999 йилгача фаолият кўрсатди.

У бу вазифада ҳам ўзининг ташаббускорлиги, ёшлар келажаги учун фидойилик намуналарини кўрсатди. Жамоатчилик ишларида алоҳида эътиборга лойиқ ишлар билан кўпчиликни назарига тушди. У мактаб касаба уюшмасига бошчилик қилди. Вилоят миқёсидаги танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлди.

Собир Санаевнинг ёшлар тарбиясидаги меҳнатлари зое кетмади. Унинг педагогика соҳасидаги ютуқлари муносиб тақдирланди. «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Меҳнат фаолияти даврида минглаб шогирдлар тайёрлади. У ўқитган ўқувчилар бугунги кунда республикамизнинг турли жойларида меҳнат қилмоқда. Ўқитувчилик касбини танлаган Ш.Тоғаев, О.Ҳайдарова, М.Ражабова, Қ.Қаҳҳорова ва М.Юлимовалар устозлари Собир Санаев билан 1-мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келишди.

Етмиш икки ёшни қаршилаган Собир Санаев бугунги кунда қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У Ойбек номли маҳалла ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ажрим ёқасида турган оилаларни яраштиришда бевосита иштирок этмоқда. Камбағал оилаларни фаровон турмуш кечиришлари учун йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб, оилаларни моддий аҳволини яхшилаш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Унинг маҳалладаги кексалар гуруҳидаги фаолияти таҳсинга лойиқ.

Ярим аср бир мактабда ишлаб, пенсия ёшида ҳам ёшларга сабоқ берган, бугунги кунда ҳам эл-юрт корига яраётган, жамиятимиз ривожига қисса қўшаётган орамиздаги бундай инсонлар доимо бор бўлсин деймиз.

Ўришбой НУРҚУЛОВ.



FORISH TONGI

MUASSISLAR: Xalq deputatlari Forish tuman Kengashi va tuman hokimligi

Manzilimiz: Bog`don shaharchasi, Sh.Rashidov ko`chasi 3-uy

Bosh muharrir **Rashid KARIMOV**

"Forish tongi" materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi Tahririyatga kelgan qo`lyozmalar muallifga qaytarilmaydi va javob yozilmaydi.

Gazetaning ro`yxatdan o`tish tartibi: 06-011 ISSN 2010-8451

Gazeta sotuvda kelishilgan narxda

Telefon: (91) 591-47-10

Gazeta 1220 nusxada bosildi

Qog`oz bichimi A3

Gazeta tahririyatning o`zida terildi va kompyuter operatori **Gulmira ISMOILOVA** tomonidan sahifalandi.

Chop etish uchun mas`ul **Baxrulla SAYPULOV**

Gazeta "**Rastr plyus Print**" mas`uliyati cheklangan jamiyatida bosildi
Korxona manzili: Jizzax shahri Sayiljoyi ko`chasi 4-uy.
Bosishga topshirish vaqti 18:00
Topshirildi 18:00 Buyurtma _____